N01/10-08
от 29.12.23г.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар
миллий агентлиги директори

Д.Р. Ли

2023 йил «29» декабрь

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2024 йил I-ярим йиллиги учун
ИШ РЕЖАСИ

№	Тадбир номланиши	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	I. Крипто-активлар айланмаси ривожлантириш			
1.	Крипто-активлар айланмаси соҳасида хизмат кўрсатувчи провайдерлар фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш.	Агентликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2024 йил май	С.Хван Н.Джураев
2.	Майнинг-пул фаолиятини амалга ошириш тартибини белгиловчи Агентликнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжати лойиҳасини тайёрлаш.	Давлат рўйхатидан ўтказиш учун идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиш.	2024 йил март	С.Хван А.Закиров, Н.Джураев,
3.	Жаҳондаги энг яхши амалиёт ва миллий субъектларнинг тажрибасига таянган ҳолда крипто активлар айланмаси соҳасидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2024 йил май-июнь	С.Хван А.Закиров, Н.Джураев,
4.	Давлат бошқарувида маълумотлар тақсимланган реестри технологиясини жорий этиш тажрибасини ўрганиш.	Таҳлилий материалларни тайёрлаш ва уларни Агентлик раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритиш.	2024 йил апрель	С.Хван Д.Опольский (*масъул*), А.Закиров, А.Хакимов, К.Мухаммадиев

5.	Крипто-активлар айланмаси соҳасининг ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу соҳани ривожлантириш учун шароитни янада яхшилаш бўйича таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлаш.	Таҳлилий материалларни тайёрлаш ва уларни Агентлик раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритиш.	2024 йил I-ярим йиллиги давомида	С.Хван А.Закиров (*масъул*) А.Хакимов, К.Мухаммадиев
6.	Крипто-активлар айланмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан етакчи халқаро компаниялар ва хорижий мамлакатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Учрашувларни ташкил қилиш, муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш.	2024 йил I-ярим йиллиги давомида	С.Хван А.Закиров (*масъул*) К.Мухаммадиев, А.Хакимов
7.	Крипто-активлар айланмаси соҳасида ёш мутахассисларнинг саводхонлигини оширишга қаратилган семинарлар, тренинглар ва ўқув курсларини ташкил этиш.	Талаба, магистрант ва илмий ходимлар билан учрашувлар ташкил этиш.	2024 йил I-ярим йиллиги давомида	С.Хван А.Закиров (*масъул*) К.Мухаммадиев, А.Хакимов, Д.Сабирова
II. Электрон тижоратни ривожлантириш соҳасида				
8.	"Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги, "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 ноябрдаги "Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида"ги ПҚ-381-сон қароридан келиб чиққан ҳолда бошқа қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш таклифларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни ўрнатилган тартибда келишиш.	2024 йил февраль	К.Мухаммадиев С. Хван А. Закиров Н. Джураев Т. Матчанов
9.	Электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларини электрон тижоратни ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган тўсиқлар ёки муаммолар мавжудлигини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2024 йил май	К.Мухаммадиев, С.Хван, А.Закиров, Н.Джураев, Т.Матчанов
III. Капитал бозорини ривожлантириш соҳасида				
10.	Фуқароларнинг ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия жамғармасини миллий фонд бозорида қимматли	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни белгиланган тартибда тасдиқлаш.	2024 йил январь-февраль	С.Худайбердиев С.Кошназаров (масъул)

	қоғозларни сотиб олиш ва даромад олиш учун йўналтириш тартибини ишлаб чиқиш.			А.Ахмедов С.Хван
11.	Халқаро қимматли қоғозлар комиссиялари ташкилоти (IOSCO) тамойилларига мос келадиган қимматли қоғозларни сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва ҳисоб-китоб тизимини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш.	Қимматли қоғозларни сақлаш, ҳисобини олиб бориш ва ҳисоб-китоб тизими бўйича халқаро тажрибани ўрганиш. Чора-тадбирлар режасини тайёрлаш.	2024 йил март-апрель	С.Худайбердиев А.Ахмедов (масъул) С.Кошназаров С.Хван
12.	Ходимларнинг акцияларига эгалик қилиш режасини (ESOP) жорий этиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2024 йил март-апрель	С.Худайбердиев А.Ахмедов (масъул) С.Кошназаров С.Хван
13.	Донорлар, Корея Фонд биржаси ва ЯИТК (ЕПТК) яратувчилари билан ушбу дастурий таъминотдан фойдаланиш бўйича тегишли ўқув-тренинг курсларини ташкил етиш, шу жумладан "Total Market Surveillance" дастурий таъминоти учун ўз ичига Жанубий Кореяга хизмат сафарини ичига олувчи тегишли ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ҳамкорликни ўрнатиш бўйича музокаралар ўтказиш.	Корея томони томонидан ташкил етилган ўқув тадбирларида иштирок етиш учун ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва ташкилий чораларни кўриш, шу жумладан: - ходимларни ривожлантириш йўналишлари ва мавзулари рўйхатини шакллантириш; - Корея томони томонидан ташкил етиладиган тренинглар, ўқув курслари ва бошқа тадбирларда иштирок етиш учун Агентлик ходимларининг рўйхатини шакллантириш.	2024 йил март	С.Худайбердиев, М.Матчонов *(масъул.)*, С.Кошназаров, С.Хван
IV. Суғурта бозорини тартибга солиш соҳасида				
14.	Суғурта секторини рақамлаштириш чораларини кўриш.	1. Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва суғурта полисларини шакллантириш бўйича ягона ахборот тизимини такомиллаштириш. 2. Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг платформаларида ва бошқа тизимларида мажбурий суғурта шартномаларини электрон шаклда тузишни назарда тутувчи хизматни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. 3. Суғурта ташкилотлари учун электрон ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий еҳэтиш. 4. Электрон тизим орқали суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ва суғурта брокерининг	2024 йил июнь	О.Файзиев *(масъул.)*, Т.Салиев, Д.Опольский

		раҳбари ва бош бухгалтери (алоҳида бўлинма раҳбари ва бош бухгалтери) учун малака талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар чиқаришни кўзда тутувчи маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.		
15.	Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини мониторинг ва назорат қилиш.	1. Суғурталовчиларнинг қонуний стандартларга мувофиқлигини мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш. 2. Суғурта бозори иштирокчиларининг ҳисоботларини тўплаш ва қайта ишлаш. 3. Суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш.	2024 йил I-ярим йиллигида давомида	О.Файзиев
16.	Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта брокерларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари учун белгиланган малака талабларига мувофиқлигини ўрганиш.	Маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш, шунингдек суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ва суғурта брокерининг раҳбари ва бош бухгалтери (алоҳида бўлинма раҳбари ва бош бухгалтери) учун малака талабларига мувофиқлиги учун хулосалар мавжудлигини текшириш. Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта брокерларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари учун белгиланган малака талабларига риоя қилмаслик фактларини аниқлаш учун зарур чораларни кўриш.	2024 йил I-ярим йиллигида давомида	О.Файзиев
17.	Суғурта ташкилотларининг суғурта ва инвестиция фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танқидий қайта кўриб чиқиш ва уларни замонавий талабларига мослаштириш.	1. Суғурта соҳасидаги хорижий тажрибани таҳлил қилиш ва ўрганиш. 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш: Суғурталовчиларнинг суғурта заҳиралари тўғрисидаги низом; Электрон суғурта хизматларини тақдим этиш тартиби; Суғурта агентлари тўғрисидаги низом.	2024 йил июнь	О.Файзиев, Т.Матчанов

V. Ахборот технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида				
18.	Ҳужжатларни тақдим этиш тартибининг бажарилишини таъминлаш: Агентликнинг расмий веб-сайти орқали крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизмат кўрсатувчи провайдерларнинг фаолияти учун лицензия олиш; Агентликнинг “рўйхатга олиш ва ҳисобот бериш” ахборот тизими ва ягона Давлат хизматлари портали орқали майнинг фаолиятини амалга ошириш учун рухсат олиш. Крипто-активлар айланмаси соҳасида хизмат кўрсатувчи провайдерлар томонидан ҳисоботларни рақамлаштириш.	1. “Рўйхатга олиш ва ҳисобот бериш” ахборот тизими концепциясини ишлаб чиқиш. 2. “Рўйхатга олиш ва ҳисобот бериш” ахборот тизимининг техник топшириғини ишлаб чиқиш. 3. Агентликнинг расмий веб-сайти билан интеграция қилиш. 4. Ягона давлат хизматлари портали билан интеграция қилиш. 5. “Рўйхатга олиш ва ҳисобот бериш” ахборот тизимини жорий етиш. 6. Крипто-активлари айланмаси соҳасида хизмат кўрсатувчи провайдерлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар (рег. рақам рақами 3380 йил 08/15/2022). 7. Майнинг фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (АВ томонидан 29 сентябрь 2023 йилдаги рўйхат рақами 3461).	2024 йил I-ярим йиллигида давомида	Т.Салиев А.Закиров С.Хван Н.Джураев Д.Опольский
19.	Агентликда конфиденциал маълумотларни ҳимоя қилиш даражасини ошириш чораларини кўриш.	1. Турли дастурий таъминот етказиб берувчилардаги мавжуд ечимларни ўрганиб чиқиш. 2. Агентликда пилот лойиҳани ишга тушириш ва ечимини синаб кўриш. 3. Пилот лойиҳа натижалари асосида раҳбариятга таклифлар киритиш.	2024 йил июнь	Т.Салиев Д.Опольский
VI. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалар билан ҳамкорлик соҳасида				
20.	“Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти” мавзусида пресс-брифинг ташкил этиш	Агентликнинг миноритар аксиядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти тўғрисида ахборот тайёрлаш.	2024 йил январь	Д.Собирова С.Худайбердиев А.Ахмедов С.Кошназаров

21.	“Ўзбекистонда крипто активларни қандай сотиб олиш ёки сотиш лозим” мавзусида ўқув видеоролигини тайёрлаш.	Видеоролик сценарийсини тайёрлаш ва тасдиқлаш, овоз бериш ва монтаж қилиш.	2024 йил январь-февраль	Д. Собирова, А. Закиров А. Хакимов
22.	“Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2023 йилдаги фаолияти якунлари” мавзусида матбуот анжуманини ташкил этиш.	Дастур тайёрлаш, ОАВлар вакиллари рўйхатини тузиш, савол-жавоблар рўйхатини ишлаб чиқиш.	2024 йил февраль	Д.Собирова С.Хван О.Файзиев А.Закиров Н.Джураев А.Ахмедов С.Кошназаров
23.	“Суғурта соҳасида рақамлаштириш бўйича ишлар” мавзусида пресс-брифинг ташкил этиш.	Агентликнинг суғурта соҳасида рақамлаштириш борасида олиб борган ишлари тўғрисида маълумот тайёрлаш.	2024 йил март	Д.Собирова О.Файзиев
VII. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида				
24.	Коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган соҳаларни аниқлаш мақсадида Агентлик фаолиятидаги коррупция хавфларини баҳолашни ўтказиш.	1. Коррупция хавфи харитасини баҳолаш ва тайёрлаш, коррупцияга энг кўп мойил функциялар ва лавозимларни белгилаш. 2. Хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тузиш.	2024 йил январь-февраль	А.Исмоилов, Ш.Сирожиддинов
25.	Агентлик ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, коррупция, қоғозбозлик ва бюрократиянинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.	Агентлик ходимлари учун одоб-ахлоқ ва коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус тренинглар (семинарлар) ўтказиш орқали, тегишли органлар мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўқув тадбирларини ташкил этиш.	доимий	А.Исмоилов, Ш.Сирожиддинов
VIII. Ходимлар малакасини ошириш соҳасида				
26.	Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идоралари ходимларининг малакасини ошириш масалалари бўйича Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш.	Хитой томонидан ташкил этиладиган ўқув тадбирларида иштирок этиш бўйича республика вазирликларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиришни амалга ошириш, шу жумладан: - ходимлар малакасини ошириш йўналишлари ва мавзулари рўйхатини шакллантириш; - малака ошириш мақсадида Хитой томони томонидан ўтказиладиган семинарлар,	2024 йил I-ярим йиллиги давомида	Ш. Сирожиддинов Н.Джураев (масъул) С.Хван

		тренинглар, ўқув курслари ва бошқа тадбирларда иштирок этиш учун вазирлик ва идоралар ходимларининг рўйхатини шакллантириш.		
27.	Агентлик ходимларини IT ва рақамли технологиялар соҳасида ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил етиш.	Агентлик ходимларини қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш бўйича олий таълим муассасаларини аниқлаш ва келишувлар тузиш: Ахборот хавфсизлиги; Блокчейн технологиялари; Сунъий интеллект.	доимий	Ш.Сирожиддинов Т.Салиев Д.Опольский
28.	Агентлик ходимлари учун чет тилларини ўқитишни ташкил этиш.	Агентлик ходимлари учун инглиз тилини ўқитишни онлайн (масофавий) форматда ташкил етиш.	доимий	Ш.Сирожиддинов, Х.Арипов

Ташкилий-назорат бўлими мудири **В. Пономарёва**

Келишган:

Агентлик директорининг биринчи ўринбосари **В. Пак**

Агентлик директорининг ўринбосари **Д. Максудов**